

ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРДА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Усмонов Дилмурод

Сурхондарё вилояти Термиз тумани

30-мактаб тарих фани ўқитувчиси

Бугунги кунда илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларининг тез суръатларда жадал ривожланиши кузатилмоқда. Таълим-тарбия жараёнига умумтаълим фанларини ўқитишнинг принципиал янги методологияси сифатида компетенциявий ёндашувга асосланган таълим жорий этилди, бу сиёсий, умумдавлат ва дидактик аҳамиятга эга бўлган ҳодиса ҳисобланади.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим – эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатини шакллантиришга йўналтирилган таълим бўлиб, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-хунар танлаш, соғлом рақобат ҳамда умуммаданий кўникмаларни ҳосил қилади. Бу эса ўқитувчидан касбий маҳоратга эга бўлишни, дарсларни янгича, замонавий ёндашувлар асосида ташкил этиш ва ўтишни тақозо этади. Шундай экан, ўқитувчи аввало қуйидаги қоидаларга доимий амал қилиши талаб этилади:

- 1. Мукаммал тайёргарлик кўр!**
- 2. Яхши бошла!**
- 3. Мақсадни аниқ белгила!**
- 4. Кўз билан қабул қилиш хусусиятини эсда тут!**
- 5. Ўзинг қиладиган ҳатти-ҳаракатларга эътибор бер!**
- 6. Ҳеч кимга алоқадор бўлма! (Бетараф бўл!)**
- 7. Саволлар бериш орқали мақсадга олиб бор!**
- 8. Мавзу чегарасидан чиқма!**
- 9. Аниқ келишув ва битимларга амал қил!**

10. Ижобий якунла!

Компетентлиликка йўналтирилган дарсларда қарорлар ва ҳулосалар чиқариш муҳим босқич бўлиб, унда асосан ўқувчининг иштирок этиши кўпроқ назарда тутилиши керак.

Бунинг учун ўқитувчи тарих дарсларида асосан ўқитишнинг 3 хил туридан фойдаланади. Масалан, индивидуаллик. Бу- ўқувчининг мақсадига эришиши, бошқа

Ўқувчиларнинг мақсадига эришиши билан боғлиқ бўлмайди. Масалан ўқувчига қуйидагича топшириқ бериш мумкин:

Вазифа: 2 дақиқа ичида Хива хонлигини бошқарган 10 та ҳукмдор номини ёзинг.

Шунингдек, ўқитувчи ўқитишнинг мусобақа туридан фойдаланади.

Бу – Ўқувчининг мақсадга эришиши бошқа ўқувчилар мақсадга эришмаслиги билан боғлиқ. Бунда ўқувчиларга қуйидагича вазифа бериш мумкин:

Вазифа: 2 дақиқа ичида тарихда тузилган 10 та шартномаларнинг номларини ёзинг. Биринчи бўлган иштирокчига китоб совға қилинади.

Учинчи тури бу-ҳамкорликдаги таълим тури бўлиб, бу – Ўқувчининг мақсадга эришиши бошқа ўқувчилар билан биргаликдаги фаолиятига боғлиқ бўлади. Масалан, ўқувчиларга қуйидагича топшириқ бериш мумкин:

Вазифа: Чор Россиясининг Ўрта Осиёга кириб келиши ва босиб олишига оид саналарни кетма-кетликда ёзинг.

Гуруҳлар иши учун 5 дақиқа.

Ўқувчилар гуруҳларда ҳамкорликда ишлайдилар. Шунингдек, дарсда “ФСМУ” методини қўллаганда ҳам, ўқувчилар кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлайди. Бунда гуруҳ аъзолари мавзу бўйича берилган вазифа ҳақида ўз фикрларини билдирадилар, бунга сабаб кўрсатадилар, мисол келтиради ва умумлаштиради.

Шу ўринда В.М.Глушковнинг қуйидаги фикрини айтиб ўтиш жоиз:

“XXI асрда техник жиҳатдан ривожланган давлатларда ахборотларнинг асосий қисми қоғозсиз кўринишда - компьютер хотираси-да сақланади. Бу билан XXI аср бошларида ушбу ахборотлардан фойдалана олмаган киши XX аср бошидаги ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайдиган кишига ўхшаб қолади”.

Демак, айтиш мумкинки, дарсларда интерфаол усуллардан фойдаланиш, дарсни замонавий ёндашувлар асосида ташкил қилиб ўтиш бугунги кунда ўқитувчилар олдида турган асосий вазифа ва қўйилган талабдир.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчи ҳамиша замон билан ҳамнафас яшамаса, тарихда қолиб кетади. Буугунги кун эса доимо янгиланиш сари одимлашга ундайди. Ёмон ўқитувчи ғақикатни шунчаки айтади-қўяди, яхшиси эса уни топишга ўргатади.

Зеро, бугунги кун ўқитувчиси билимдон, маҳоратли, болаларни сева оладиган маънавиятли шахс бўлмоғи зарур.